

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

**“РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ” НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИТЛОТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎРНИ” мавзусидаги**

**РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

2020 йил 20 май

VI ҚИСМ

ЁШЛАР НАШРИЁТ УЙИ

ТОШКЕНТ-2020

УДК: 001.891

“ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎРНИ”

Ўзбекистон илмий-амалий тадқиқотларда талабаларнинг ўрни: мақолалар тўплами “Ёшлар нашриёт уйи” 2020й. – 579 бет.

Масъул мухаррир: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси
А.З. Саъдуллаев.

Тахририят аъзолари: с.ф.д.,Т.Т.Алимардонов, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси профессори.
ф.ф.н.доц.,Г.Тиллаева, ЎзРФА Ёш олимлар кенгаши раис ўринбосари.
т.ф.д.,С.С.Бекназарова, Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети профессори.
PhD, педагогика фанлари бўйича, О.С.Абдуллаева, Наманган қурилиш институти доценти.
и.ф.д.,проф.Р.И.Нурибегов. Тошкент Архитектура-қурилиш институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.
а.ф.д.,Т.Ш.Маматмусаев, Тошкент Архитектура-қурилиш институти доценти.
PhD, тарих фанлари бўйича., З.М.Жураев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети доценти.
PhD, техника фанлари бўйича., Л.Н.Самиев,Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти доценти.
PhD, аниқ фанлар бўйича., С.С.Саитова, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети доценти.
PhD, техника фанлари бўйича., Н.М. Эшпўлатов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти доценти.
Г.Т.Исанова, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети катта ўқитувчиси.
Ж.М.Умаров, Тошкент Тиббиёт академияси ўқитувчиси.
Л.А.Азимов, Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси.
Б.Қ.Нурматов, Тошкент Тиббиёт академиясига Корея Университети ҳамкорлигидаги илмий-тадқиқот маркази мутахассиси.
Ш.Т.Бекназарова, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги “Республика ёш олимлар кенгаши” нодавлат ноижорат ташкилоти Ташкилий, Кадрлар бўлими мудири, ЎЗМУ магистранти.
С.Н.Нормуродов, Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси, Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси.
С.П.Аширов. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети магистранти.
Н.Х.Бахромова. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги “Республика ёш олимлар кенгаши” нодавлат ноижорат ташкилоти Бош мутахассиси

Нашрга тайёрловчи
ва техник
мухаррирлар:

Тўпلام: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги “Республика ёш олимлар кенгаши” 2020йил 1майдаги 01-05/5сонли буйруқига асосан чоп этилди. 20 май 2020 йил. 579– бет.

Тўпلامга Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юритларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилар, докторант, магистрант ва талабаларнинг мақола ва тезислари киритилган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар!!!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. У. Файзиева, Д. Назарова, Ф. Қодирова Сурдопедагогика.-Т.; 2012
2. Н. Сайидаҳмедов “Янги педагогик технологиялар”. Т., Молия 2003
3. Ф. Юлдашева “Логопедик машғулотларда инновацион технологиялардан фойдаланиши”. Т., 2019
4. З. Мамаражабова “Таълим жараёнида педагогик технологиялар”. Т., 2016

НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИЙИНЛАРННИНГ ҲРНИ

Файзуллаева Мадина Абдумўмин қизи

Жиззах Давлат Педагогика Институтининг чет тиллар факултети инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси

Аннотация. *Мазкур мақолада ҳозирги кунда ўқув машғулотларида чет тилини ўқитишида оммалашиб бораётган интеллектуал Ҳйинлар воситасида ташиқил этишининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Ушбу метод орқали дарс жараёнида қандай фойдаланиши ва унинг ўқувчилар онгига таъсири ҳақида фикр ва мулоҳазалар берилган. Хусусан, немис тили дарсларида интеллектуал Ҳйинларни ўқувчиларда қандай қизиқиши уйғотиши, ўқувчи томонидан чет тилини тезда қабул қилиниши томонларига аҳамият берилган.*

Калит сўзлар: *интеллектуал Ҳйинлар, исталган мавзулар, транскрипсия, лекцик сўз бойлиги.*

В этой статье обсуждается важность организации образовательных игр с использованием интеллектуальных игр, которые становятся все более популярными в преподавании иностранных языков. Этот метод обеспечивает обратную связь о том, как использовать его в классе и как это влияет на умы учащихся. В частности, уроки немецкого языка посвящены тому, как интеллектуальные игры вызывают интерес у студентов и как быстро они могут выучить иностранный язык.

Ключевые слова: *интеллектуальные игры, нужная тема, транскрипция, лексическая лексика.*

This article presents the importance of organizing educational games through the use of intellectual games, which are becoming increasingly popular in the teaching of foreign languages. This method provides how to use it in the classroom and how it affects students' minds. In particular, german language lessons focus on how intellectual games arouse students' interest and how quickly they can learn a foreign language.

Keywords: *intellectual games, any topic, transcription, lexical vocabulary*

Бугун ҳаётни чет тилларисиз фараз қилиб бўлмайди. Глобализация жараёни тезлашган сари чет тилини ўрганиш замон талаби бўлиб боряпти. Немис тили бугун бутун дунёда жуда кенг тарқалган. У фақатгина Германияда эмас, балки бошқа Европа мамлакатларида ҳам расмий тил деб эътироф этилган. Мисол учун Австрия ва Белгия давлатларида бу тилда гаплашилади. Иккинчи тил сифатида немис тилини ўрганиш ҳам жуда машҳур бўлган. Бу дунёда ўрганиш бўйича учинчи ўринга турган тилдир.

Айни дамда яна бир нарсани эслатиб ўтишим жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январ куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди. 21- январ куни Берлин шаҳридаги Белвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Валтер Штайнмаер кутиб олди. Унда илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва

туристлар алмашувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Жумладан, Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд немис миллатига мансуб юртдошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортиқ ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди. Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауер ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашинувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ёшларнинг чет тилларини ўрганишга қизиқишини ошириш орқали келгусида малакали кадрларни ҳамда яқин келажакда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаол хизмат қиладиган етук мутахассислар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тайёрланди. Бу ҳақида Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати хабар берди. Қарор лойиҳасида умумий ўрта таълим мактабларида немис ва француз тилига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш асосий мақсад сифатида белгиланмоқда. Шунингдек, ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифалари этиб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда немис ва француз тилларининг чуқур ўқитилиши ташкил этади. Ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва фаоллаштириш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришни мактабнинг асосий мақсадлари сифатида белгилаш режалаштирилмоқда. Мактабга юқори касб маҳоратига эга бўлган маҳаллий ва хорижий мамлакатлардан тажрибали ўқитувчилар жалб қилинади. Таълим муассасаси иқтидор ва истеъдодни аниқлаш ҳамда камол топтириш бўйича ўқувчиларни республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловлар, бошқа тадбирларда қатнашишга тайёрлайди. Бундан ташқари, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, сўнгги 10 йил давомида немис ва француз тили ўқитилиши тўхтатилган ёки бошқа хорижий тилларга алмаштирилган ихтисослаштирилган мактабларда немис ва француз тилларини ўқитилишини қайта йўлга қўйиш ҳамда ҳар бир ҳудудда биттадан немис ва француз тилига ихтисослаштирилган мактаблар таянч мактаб сифатида белгиланади. Немис ва француз тилига ихтисослаштирилган мактаблар учун ўқув режаси ишлаб чиқилади. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб немис ва француз тили фани ўқитувчилари учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади. Шу билан бирга немис ва француз тиллари бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш истисно тариқасида бепул амалга оширилади. Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошқа хорижий тиллар ўқитиладиган ихтисослашган мактабларда немис ва француз тиллари иккинчи тил сифатида жорий этилади. Ихтисослашган мактабнинг 11-синф битирувчиларига халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда ўтказилган танлов натижаларига кўра немис тилини хорижий тил сифатида билиш даражаси бўйича Германиянинг TestdAF (Test deutsch als Fremdsprache) ва француз тили бўйича халқаро имтиҳон натижалари бўйича Франциянинг TestDEIF (Diplome d'études en langue Française) дипломларини беришга рухсат этилади.

Чет тилини ўрганиш бу биз хаёлимизга сиғдирганчалик қийин эмаслигини кундан-кунга яхшироқ тушиниб етяпман. Бу учун муҳими чет тилини ўрганишда энг осон йўлни танлаб билишдир. Бизда аксар таълим муассаларида қўлланаётган эски методика анча эскирди ва тилни ўргатишда бугунги кунда мактабларда ҳар хил турдаги интеллектуал ўйинлар орқали дарс ўтиш анъанага айланиб бормоқда. Маълумки, дарснинг турли хил ўйинлар асосида ўтилиши ўқувчиларнинг имкониятларини намойиш этиш, диққатини жамлаш, билим ва кўникмаларини ошириш ва кучли билим эгаси бўлишларини таъминлайди. Ўйиннинг янги педагогик технологиянинг энг самарали усуллардан бири сифатида тан олинishi ҳам фикримиз далилидир. Бирор тилни ўрганиш учун энг муҳими ҳаётдаги ҳар бир соҳада бўлганидек мотивациядир(иштиёқ). Ана шу иштиёқни ҳар хил ўйинлар орқали уйғотишимиз мумкин. Бу йўл орқали болаларнинг билим олиш салоҳияти ҳам сезиларли даражада ўсади. Ўқув ўйинларини ўқув предметлари асос қилиб олинishi керак яъни ўқув ўйинлардаги материаллар мазкур синф режасига тўғри келиши лозим ва ўша синф дарслиги мазмунига мос тушиши шарт. Шунда ўйин жараёнида ўқувчи оддий дарсга қараганда бу дарсга қизиқиброқ ёндашади. Ўқитувчилар шундай ўйинлар яратиши керакки, ўқувчилар дарсларга қизиқиб қатнашсинлар ва ғалаба қозонишига интилинлар. Дарс давомида ҳар хил ўйинлар ўйнатиб туриш синфда фанни ўрганишга бўлган иштиёқни янада оширади, пассив ўқувчиларни ҳам дарсларда яхшироқ қатнашишга ундайди, синфда ўқувчилар ўртасида рақобат, айти пайтда жамоадошлик муҳитини хосил қилади.

Ўқувчилар бу ўйинни бир марта ўйнаганларидан кейин ҳар сафар яна ўйнашларини илтимос қиладиган бўлиб қолади. Яна бу ўйин ортиб қолган дақиқалардан унумли фойдаланиш учун ажойиб усул. Сиз мавзунини охириги ўтилган мавзулардан танлашингиз мумкин. Энг кўп қўлланиладиган мавзулар озиқ-овқат, исмлар, шаҳарлар ёки давлатлар, мебеллар ёки жиҳозлар, иш ҳаракат ёки кийимлар ҳисобланади. Ўқувчиларингиз охириги марта ўрганган сўзларни рўйхатини тузинг ва бирор сўзни ҳарфларини чалкаштириб доскага ёзинг. Ўқувчиларингизга ҳарфларни тоғри тартибда қўйиб берилган сўзни топишига бироз вақт беринг. Ким биринчи бўлиб сўзни топа олса ўша ўқувчи ғолиб бўлади. Бу ўйин орқали ўқувчилар немис тилидаги сўзларни ёзилишини анча яхши эслаб қоладилар. Масалан: (касблар бўйича)

L,H,R,R,E,E-

S,C,L,O,S,R,E,S,H-

A,R,T,E,B,R,E,I-

K,C,H,R,E,Ö-

K,L,L,N,R,E-

S,T,E,D,R,A,W,E,S,S-

Бу ўйин тезкор ўйин ҳисобланади. Лекин ўқувчиларга ўйлаш учун бироз вақт беради. Бу ўйин биргаликда ўрганишга ундайди, яъни бошқа ўқувчилар сўзлаётганида қолган ўқувчилар ўзлари сўз ўйлаётган бўлишади. Ўйинни ўйнаш учун сизга коптокча керак бўлади ва ҳамма ўқувчилар доира шаклида туриб олишлари керак. Бирорта мавзу танлашингиз керак бўлади. Энг кўп қўлланиладиган сўзлардан ҳам қўллаш мумкин. Масалан: Tire (хайвонлар), die Berufe (касблар), das Obst und das Gemüse (мевалар ва сабзавотлар) ва ҳоказо. Бирор ўқувчига тўпни улоқтириш орқали ўйин бошланади. Ўша ўқувчи мавзуга доир бирор немисча сўз айтади ва тўпни кейинги ўқувчига улоқтиради. Тўпни қабул қилган ҳар бир ўқувчи шу мавзуга доир бирор сўз айтиши керак бўлади. Агар улар айтилган сўзларни қайта айтса ёки бир неча сония ичида сўз топа олмаса, улар ўйиндан чиқади ва ўйинни ўтирган ҳолда кузатади. Бу орқали ўтирган ўқувчилар эшитиш

орқали ҳам ўрганадилар. Бу ўйин бироз бошқачароқ қилиб ўзгартирсангиз ҳам бўлади. Бирор мавзуга сўз бошқасига улоқтириши мумкин. Бу ўйинни бироз мураккаблаштиради, сабаби ўқувчи бирор сўз ҳақида ўйлашидан олдин, қайси мавзуга доир сўз ўйлаши кераклигини ҳам билиши лозим. Бу ўйинни асосан бемалол гаплар туза оладиган ўқувчилар орасида ёки энди ўрганувчилар учун ҳам қўллаш мумкин. Ўқувчилар бу ўйинни бир марта ўйнаганларидан кейин ҳар сафар яна ўйнашларини илтимос қиладиган бўлиб қолади. Яна бу ўйин ҳам ортиб қолган дақиқалардан унумли фойдаланиш учун ажойиб усул.

Бу ўйинлар орқали ўқувчиларнинг лекцик сўз бойлигини ҳамда хотирани такомиллаштиради. Ўқувчиларда тил ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучаяди. Шунингдек, яна бир қанча ўйинлар мавжуд бўлиб, улар орқали ҳам боланинг билимларини оширишимиз ва диққатни жамлаш, эса сақлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳам мумкин. Масалан, немис алифбосидаги ҳарфларнинг ўқилиши ва ёзилиши турли хиллигида фойдаланамиз яъни ўқувчиларни сўзларни ҳарфлар айтишга ўргатамиз. Бунда дастлаб ўрганишни энди бошлаган ўқувчиларга оддийгина ўзбекча сўзларни, немис тилини яхши билувчиларга эса қийинроқ немисча сўзларни ҳарфлаб айтиб туришимиз мумкин. Ҳозирги кунда ҳамма ёш болалар немис алифбосини кетма-кетликда айта олади, лекин алифбо орасидаги ҳарфлардан бирортаси айтилса, шу заҳоти ўйланиб қолишади. Бу йўл орқали болаларнинг шу борасидаги муаммоси ечилади. Ёки, ўқитувчи немисча товушни талаффуз қилади, ўқувчилар эса талаффуз қилинган товушнинг транскрипсиясини (белгисини) ёзиб кўсатишлари керак. Ўйин таркибини қуйидагича ўзгартириш мумкин: ўқитувчи транскрипсиясини (белгисини) кўрсатади, ўқувчилар эса товушни талаффуз қилади. Бу ҳам ўқувчиларни билимларини сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлади. Шунингдек, ёш болалар бу каби ўйинларга жуда қизиқиб кетишади. Ҳолиб бўлган ўқувчида фанга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади. Ўқитувчи қисқа муддатга тингловчиларга бирор-бир предметни кўрсатади, кейин уни яшириб тингловчилардан ўша предметни тасвирлаб беришни ёки унинг рангини, ҳажминини эслашни ва немис тилида айтиб беришларини сўрайди. Ёки бўлмаса ўқувчиларни хотирасини янада мустаҳкамламоқчи бўлсак, немис тилининг аввалги дарсларида ўтилган (масалан тана аъзолари) мавзуси бўлса, бу ҳолатда ўқувчиларнинг кўзларини бўйлаб кўйиб, уларга немис тилидаги тана аъзоларини айтиб туришимиз керак. Болалар эса сўзларни бирма-бир кўрсатади. Бу вазиятда болалар бир биридан ёзув каби кўчириб олишлари ё бўлмаса оғзаки каби эшитганларини қайтариб олиб муғомбирлик қилолишмайди. Бу ўйинлар орқали ўқувчиларнинг лекцик сўз бойлигини, билимларини, хотирасини такомиллаштиради. Ўқувчининг тил ўрганишга қизиқишини кучайтиради.

Ушбу ўйин орқали эса тингловчилар немис тилидаги хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ўз хатоси устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишлари керак бўлади. Ўйинда ўқувчиларни бироз иккилантирувчи гапларни хатолар билан ёзув тахтасига ёзинг. Агар истасангиз, гапда нечта хато борлигини олдиндан айтиб қўйинг. Ўқувчилар ёрдамида гапни тўғирланг. Хато гапларни ўқувчиларнинг савиясига қараб бериш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай қизиқарли интеллектуал ўйинларни ташкил қилиш орқали ўқувчилар билим ва кўникмаларини ривожлантиришга туртки бўлади. Яқинда бош вазиримиз Абдулла Арипов Халқ таълими ходимлари билан учрашганида мен сизларга Президентимизнинг гапларини айтмоқдаман, деди. Учрашув жараёнида, инглиз тилига эътибор қаратиб рус тили ва бошқа тилларни унутдик, хорижда мактабни битираётган ўқувчи 4 та хорижий тилни билади, биз эса борини йўқ қилдик, ўрнига янгисини

курмадик, деди. Ҳар бир тил жаҳонда катта эътиборли тилларидан ҳисобланади, немис тили жаҳон тилларидан деб тан олинган. Дунё бўйича инглиз тилида 600 млн, рус тилида 260 млн, немис тилида 130 млн, француз тилида эса 220 млн киши сўзлашади. Демак ушбу 4 тилнинг аҳамияти катта жаҳонда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошбоева Б. Бошланғич синфларда чет тилларини ўқитишнинг янги йўналишлари.- "Халқ таълими" журнали. 6-сон (ноябр-декабр).2019-йил. 63-б.

2. Ғойиббоева Райҳоной. Чет тили дарсларида ўйинлардан фойдаланиш.- "Халқ таълими" журнали. 1-сон (январ-феврал). 2014-йил. 55-б.

3."Ўшларнинг чет тилларини ўрганишга қизиқишини ошириш орқали келгусида малакали кадрларни ҳамда яқин келажакда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаол хизмат қиладиган етук мутахассислар тайёрлаш" мақсадида тайёрланган Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

**УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ФИЗИКА ФАНИДАН МАСАЛАЛАР
ЕЧИШДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ УСЛУБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Саламат Давлетниязов

Ажиниёз номидаги НДПИ ассистенти

Индира Жуманиязова

Ажиниёз номидаги НДПИ талабаси

Анотация: ушбу мақолада умум таълим мактабларида физика фанидан масалалар ечишда замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Калит сўзлар: *интерфаол методлар, физик ҳодиса, жараёнлар, эксперимент,*

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий педагогик технологиялар ўқувчилар эгаллаган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, ҳатто хулосаларни ўзлари тўлиқтиришга ўргатади.

Албатта, физик билим олиш анчагина мураккаб жараён бўлиб, бу ўқувчиларда алоҳида техник қобилият талаб қиладики, бунда ўқувчи энг аввало бошланғич математик билимга эга бўлмоғи керак. Физикани ўрганувчи техник қурилмалар билан таниш бўлиш ва уларнинг ишлаш жараёнига қизиқиш энг асосий жиҳатларидан биридир. Бугунги кунга келиб, физика фанини яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар камаймоқда, чунки биринчидан техник воситалар етарлик эмас, иккинчидан мактаб лабораториясида физикавий жиҳозлар тўлиқ эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Физика фанини ўрганишда фақатгина дарсларда олинган билимларга суяниб бўлмайди. Бунинг учун қўшимча дарслар ташкил этиш ва ўқувчиларни ўз устида ишлашга ўргатиш лозим. Бу амаллар физика фани тўғрисида ва қўшимча дарс машғулотларида амалга оширилади. [1] Физик масалаларни ечиш ўқувчилардан физик ҳодиса ва жараёнлар ҳақида юқори тасаввур талаб этади. Физик масала одатда кичкина муаммо бўлиб, физик метод ва қонунларга суянган ҳолда, мантикий мулоҳаза этиш, математик ҳисоблашлар ва эксперимент ёрдамида ҳал қилинади. Физик масалаларни ечиш жараёнида, асосий физик катталиклар, қонунлар ва ҳодисалар тўғрисида реал тушунчалар ҳосил қилишга қаратилади. Мунтазам равишда физик масалаларни ечиб бориш, ўқувчиларни ижодий ишлашга, мустақил фикрлаш ва амалий изланишга ўргатади. Ўқувчилар томонидан физик масалаларни мустақил ечишни ташкил этиш, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқувчиларда меҳнат севарлик ва мақсад сари интилувчанлик характерлари

аҳамияти.....	334
Музаффарова С. С.А.Ахмедова. Спорт билан шуғулланувчиларнинг тикланиш воситалари.	
Нурфайзиев Ш. С.А.Ахмедова. Жисмоний маданият жараёнларида баркамол авлод тарбиясини амалга ошириш.....	335
Султонов Ш. . С.А.Ахмедова. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш.....	338
Хамдамов С,С.А.Ахмедова Миллий ҳаракатли ўйинларга–улуғ мутафаккирларимизнинг назари.....	340
Ширинбаева Д, О.О.Сирожов. Талабалар томонидан ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари амалиёт асосидир.....	342
Азамжонов А.А.Шерқўзиева А.А Хорижий тадқиқотчилар тажрибаси асосида чет тилларни ўқитишнинг инновацион амалиёти.....	343
Эшонқулова Д. С.А.Ахмедова. Жисмоний тайёргарлик ва унинг хотин-қизлар спортидаги ўрни.....	346
М. Эсанова . 5-синф ўқувчиларининг ёзма нуткида ижодий ва мантикий тафаккурни ривожлантириш.....	348
Sarsenbaev Q. J. Folklorliq shıǵarmalardaǵı frazeologizmlerdiń leksika-semantikası.....	350
Юсуфова Д. Педагогик имиж яратишда нуткий коммуникатив сифатларнинг роли.....	352
Саъдуллаева М.С. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини умумтаълим мактабларида ўқитиш самарадорлигини ошириш усуллари (6-синф адабиёт дарслигидаги савол ва топшириқлар мисолида).....	354
Раджабова К.Б.Нажимова Ш. И. Тўғарак машғулотларини ташкил этишда илғор педагогик технологиялар.....	358
Н.Ю.Хомидова. Современные образовательные технологии.....	360
Н.Шайзакова.Р.Абдурахмонова. Инновацион таълим жараёнида болаларда бадиий-эстетик қобилиятларни шакллантириш.....	363
З.Сайдуллахонов. Акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга оид фаолиятини ташкил этиш масалаларининг долзарблиги	365
Джураева С.Б Махсус таълим жараёнига интерфаол усулларни татбиқ этиш.....	367
Файзуллаева М.А. Немис тилини ўргатишда интеллектуал ўйинларнинг ўрни.....	370
С. Давлетниязов,И.Жуманиязова. Умум таълим мактабларида физика фанидан масалалар ечишда замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиш.....	374
Madiyev N. M.Abdullayev E. Narakatdagi kutubxona.....	375
Султанов Ш. Р.Маматқосимова Н.А. Тилшуносликда қиёсий ва тарихий методларнинг самарадорлиги.....	379
М.Марубжонова. Педагогик технология:самарага қандай эришилади?.....	381
Ахатова Д. А.Усмонов А. Педагогика фанларини ўқитишда инновацион ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	382
Дониёрова Н. М.Дониёров С. М. Бола тарбиясида одобнома дарсларининг аҳамияти.....	384
Эралиев А.Х.Хакимов О.М. Таълимда мултимедиа технологиясининг аҳамияти.....	386
Nasrullayeva A. A. O’spirin va talabalarda shaxs himoya mexanizmlarining psixik salomatlikka ta’siri xususiyatlarini emperik o’rganish usullari.....	387
S.Primqulova . Boshlang’ich ta’limda integratsiyalashgan darslarning ahamiyati.....	391
Turapov B. U.Qarshiboyeva A. E. Eshitishida nuqsoni bor o’quvchilar uchun matematika darslarida interfaol metodlar va didaktik o’yinlardan foydalanish usullari.....	393
Шарипбоева Н. Таълим-тарбияда бадиий адабиётнинг аҳамияти.....	396
Шомуротов Ш.Абдужалилова М. Бошланғич синф ўқиш дарсларида анвар обиджон ижодини ўрганишнинг аҳамияти.....	398
Sultanov Sh. R. Boshlang’ich sinflar psixologiyasi va uning o’quvchi tarbiyasidagi tutgan o’rni.....	401
Ержанов Ш. А. Вафоев. Масофавий таълим жаҳон амалиётида. афзалликлар ва камчиликлар... М. Муроталиев, М. Расулова. Ўқитишнинг интерфаол усулларидан умумлаштирувчи дарсларда фойдаланиш.....	403
О’rinboyev M.I.Tojimumammadov A. K. Ta`lim jarayonida innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish.....	406
Inoyatova Z.Xalilova L. Kimyo darslarida interaktiv o’yinlardan foydalanish samaradorligi.....	408
	412
	414